

“Ёшлар туризми ҳафталиги” давом этмоқда



Ўқувчи ва талабаларнинг қишки таътил кунларини мароқли ўтказишлари учун 2024 йилнинг 1-10 январь кунлари мамлакатимиз бўйлаб “Ёшлар туризми ҳафталиги” этиб белгиланган.

Мазкур ҳафталик доирасида Термиз туманининг «Янгиобод» ва «Нурафшон» маҳаллалари ёшлари воҳамизнинг диққатга сазовор жойлари, зиёратгоҳ ва музейларига саёҳат қилишди.

Эслатиб ўтамиз “Ёшлар туризми ҳафталиги” доирасида йўл ва транспорт харажатлари, театр, кинотеатр ва концертларга киришда махсус чегирмалар белгиланган.